



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

29 (401) ● 2016 йил 27 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари истиқлол шодиёналарига тайёргарлик ишларида фаол иштирок этмоқда

Қорақалпоғистон Республикасидаги ЎзМТДП гуруҳлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиясига 20 масала киритди

ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгашининг вилоят мусикали драма театри қошидаги куйи бўғини аъзолари сони 150 нафарга етди



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Истиқлол манзаралари — ЎзМТДП фаоллари нигоҳида

Мустақиллик — Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеадир. Истиқлолни қўлга киритган халқимиз Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига эришиш йўлида кенг кўламли ислохотларни амалга оширди. Чорак асрга тенг мустақил тараққиёт йиллари ҳақиқий маънода ўсиш, ривожланиш, юксак марралар сари дадил одилаш даври бўлди. Бугун дунё мамлакатларининг ҳайрату ҳавасини келтираётган улкан ютуқ ва натижалар қўлга киритилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан ўзини оқламаган, эски мустабид тузумдан бутунлай воз кечилиб, узоқни кўзланган изчил ривожланиш йўли танлаб олинди. Давлатимиз раҳбари ишлаб чиққан, дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган ушбу миллий стратегиямиз миллий манфаатларимизга тўла жавоб беришини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

> 4-бет.

ЎзМТДП ташкилотларида



Худудий кенгашлар кенгайтирилган йиғилишлари

уларда партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар кенг муҳокама қилинмоқда

Энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 25 йиллик тантаналарига санокли кунлар қолмоқда. Шундай шукуҳли дамларда ҳамюртларимиз қалбида шукроналик ҳисси, бунёдкорлик иштиёқи ва завқи жўш ураёттир. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам муносиб иштирок этишга иштилоқда.

Айни кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси худудий ташкилотларининг кенгайтирил-

ган йиғилиши бўлиб ўтмоқда. Унда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан, "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказиладиган тарғибот тарбирлари режаси, партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар ижроси, партия худудий кенгашларининг 2016 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти яқунлари ва иккинчи ярим йилликдаги асосий йўналишлари кенг муҳокама қилинмоқда.

> 2-бет.

Миллий ғурур

Ёшлар учун имкониятлар кенг



Мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, салоҳиятли, жисмонан ва маънан етуқ инсонлар этиб тарбиялашнинг яхши механизми шакллантирилди.

> 5-бет.

Фракциялараро мунозара

Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга барча масъул

Ўзбекистон ХДП фракцияси Демократик кучлар блокнинг айрим фикрларига нега кўшилмади ёки "Адолат" СДП фракциясига етишмаётган изчиллик сабаблари нимада?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари ўртасида муҳокама этилаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан ўзаро баҳс-мунозаралар кучайиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бунда ҳар бир партия вакиллари ўз дастурий мақсадлари ва электорати манфаатларидан келиб чиқиб қонунлар лойиҳалари бўйича ўз таклифларини илгари суриш баробарида, бошқа партияларнинг гоя ва қарашларини конструктив руҳда танқид қилмоқдалар. Айниқса, парламент куйи палатасида ЎзМТДП ва ЎзЛиДеП фракциялари ўртасидаги Демократик кучлар блоки ва ўзини муҳолиф деб эълон қилган фракциялар — Халқ демократик партияси ва "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари ўртасидаги баҳс ва мунозаралар сайловчиларда муайян қизиқиш уйғотмоқда. Партия фракциялари ўртасидаги бундай ўзаро кураш демократик жамият учун табиий ҳол ҳисобланса, иккинчидан, бу жараён қонунларнинг янада пишиқ-пухта бўлишига хизмат қилмоқда.

> 2-бет.

Ташаббус натижа берди

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида халқимиз ҳаёти тобора фаровонлашиб бормоқда. Бу, айниқса, кундалиқ турмуш тарзимиз, тўй-маросимларимизда яққол намоён бўлаёттир.

Тўй-ҳашамлар кадриятларимизга мос бўлса...

Табиатан болажон халқимиз. Шу боис топган-тутганимизни фарзандларимизга сарфлаймиз. Уларнинг бахт-иқболни кўрсам, элга дастурхон ёзиб, дуосини олсам, деймиз. Бу ота-боболаримиздан бизга мерос аёнана. Бироқ жойларда тўй-ҳашамларни ортиқча дабдаба билан ўтказиш, исрофгарчиликка қўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва аъёналарига зид иш тутиш каби салбий иллатлар ҳам учраётгани бор гап.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси худудий ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги фармонининг худудлардаги ижросини ўрганмоқда. Доимий комиссиялар ҳамда сессияларда ушбу масала қизгин муҳокама этилмоқда. Жумладан, яқинда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессиясида ҳам ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан мазкур масала кўриб чиқилди.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Ҳавас уйғотиш бахти



> 5-бет.

Рио Олимпиадаси

санокли кунлардан сўнг Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинлари бошланади



> 7-бет.

Асакада аския байрами



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz сайида ҳам ўқинг!

ЎзМТДП ташкилотларида

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Тошкент шаҳри. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши...

Тошкент шаҳри. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишлари мустақиллик байрамига кенг тайёргарлик кўрилаётган...

мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида...

Ийгилишда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Тожибой Романов Президентимизнинг қароридан белгиланган вазифаларни амалга оширишда...

Худудий кенгашлар кенгайтирилган йиғилишлари

уларда партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар кенг муҳокама қилинмоқда

си давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида...



Фойдаланмоқда. Партия Тошкент шаҳар кенгаши ҳам ташкил этаётган тарғибот тадбирларида истиқлолни мадҳ этиш, унинг қадрига етиш, кечаги ва бугунги кунимизни ҳаётий мисоллар воситасида таққослаш ва таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш жоиз...

Шундан сўнг партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар, партия тизимида амалга оширилган ишлар, эришилган натижа ва йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратилди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Рустам Қосимов маърузасида таъкидланганидек, 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг жами аъзолари сони 12 минг 264 нафарни ташкил этиб, шундан 61 фоизи ёшлардан иборат. 2016 йилнинг биринчи ярим йили давомида турли мавзу ва шаклдаги 437 тадбир ташкил этилиб, уларда 41 мингдан зиёд юртдошларимиз иштирок этишди. Мазкур тадбирларда айнакча, ёшларнинг сиёсий ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга, фаоллигини оширишга кенг эътибор қаратилди.

Кенгайтирилган йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Партия гуруҳи ўз имкониятларидан партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, электрорат манфаатларини ҳимоя қилишда етарлича фойдаланмаётгани таъкидланди. Жумладан, партия гуруҳи ҳисобот даврида атиги битта ташаббус-масалани сессия кун тартибига қилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Худудларни мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш, электрорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 4 та таклиф доимий комиссиялар йиғилишларида кўриб чиқилди. Партия гуруҳи аъзолари 50 га яқин депутатлик сўровини амалга ошириб, жойларда ўз ечимини қутаётган, электрорат вакилларини ўйлантираётган масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшди.

Шунингдек, кенгайтирилган йиғилишда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш юзасидан келгуси вазифалари белгиланган ҳамда партия фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қорақалпоғистон. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши кенгайтирилган йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси давлат

лотлари ва партия гуруҳи фаол саяёҳаракат олиб бораётганини таъкидлади. Ўтказилаётган тадбирларда мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас динимиз, буюк аجدодларимизнинг номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш борасида улкан имкониятлар яратиб бергани хусусидаги фикрлар аниқ ва ҳаётий мисоллар воситасида очиб берилмоқда.

Шундан сўнг партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва шаҳар, туман партия ташкилотлари жойларда партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзолар сафини кенгайтиришга қаратилган 300 га яқин тадбир ташкил этди. Тадбирлар асосан лойиҳалар доирасида ташкил қилинди. Тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида бошланғич партия ташкилотлари сони 615 тага, партия аъзолари сони 15 минг 218 нафарга етди.

Ҳисобот даврида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашидаги ЎзМТДП фракция аъзолари 66 депутатлик сўровини амалга оширди. Улар ташаббуси билан 3 мансабдор шахснинг ҳисоботи тинланди.

Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари сессияларга 20 ташаббус-масала, доимий комиссияларга 8 таклиф олиб чиққан, 86 депутатлик сўровини амалга оширган. Партия гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларида 10 мансабдор шахснинг ҳисоботи тинланди. Пленумда фойдаланилмаётган имкониятларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Баъзи шаҳар ва туман партия ташкилотлари фаоллари ва партия гуруҳлари ЎзМТДП сайловолди Платформасини амалга ошириш, электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва депутатлик назоратини олиб боришда сусткашликка йўл қўйгани танқид қилинди. Уларга тегишли тавсиялар берилди ва чоратадбирлар белгиланди.

Кенгайтирилган йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан партия фаоллари ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди.

Яқунда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Фракциялараро мунозара

Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга барча масъул

Ўзбекистон ХДП фракцияси Демократик кучлар блокнинг айрим фикрларига нега қўшилмади ёки "Адолат" СДП фракциясига етишмаётган изчиллик сабаблари нимада?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасининг муҳокамалари вақтида ҳам партиялар фракциялари ўртасида гоялар, қарашлар, талқин ва таклифлар кураши қизгин кечмоқда. Чунки, бутун дунёда экологик муаммолар кескин тус олган ва мамлакатимизда ҳам бу соҳа долзарб аҳамиятга эга бўлган бир шароитда халқ вакиллари мазкур қонун лойиҳасига алоҳида эътибор билан ёндашаётганлиги табиий. Шу нуқтаи назардан амалдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун нормаларининг бугунги кун талабларига мослигини, ушбу нормаларнинг амалиётда қўлланилиши аҳолини ўрганиш мазкур Қонунни миллий қонунчилигимизнинг ҳозирги кундаги ривожланиши ва халқаро шартномаларнинг қоидаларини инобатга олган ҳолда чуқур қайта кўриб чиқишни, янги ҳуқуқий нормаларни қабул қилишни, унинг самарадорлиги пасайишига сабаб бўлаётган тақдирлар ва зиддиятлар ҳолатларини бартараф этишни талаб этмоқда.

Шу боис, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутatlари томонидан тайёрланган янги таҳрирдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан чуқур ўрганиб чиқилди ва афрофлича муҳокама этилди.

Амалдаги Қонунда қонун нормаларини қўллашда фойдаланиладиган асосий тушунчаларнинг баён этилмаганлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари ва унинг чегаралари аниқ белгилаб берилмаганлиги, ўсимлик дунёсини объектларидан умумий ва махсус фойдаланиш ҳамда ундан фойдаланиш учун рухсатномалар бериш масаласи тўлиқ тартибга солилмаганлиги, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини муҳофаза қилиш, ноқонуний йиғилган ва тайёрланган ўсимлик дунёсини объектларини олиб қўйиш тартиблари белгиланмаганлиги мазкур соҳада ҳуқуқий қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Янги таҳрирдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли нормаларнинг киритилаётганлиги, шунингдек ботаника ва дендрология болларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланиш чоратадбирларини амалга оширишга жа-

дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича билдирган таклифларига асосланганлиги билан тақдорлашмоқда. Хусусан, ўсимлик дунёсини объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ўсимлик дунёсини объектлари давлат кадрастрини юритиш ишлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши зарур, деган таклифнинг яна бир бор қўтарилиши ноўрин. Чунки, аввал айтганимиздек, Давлат бюджетидан ташқари маблағларни бу ишларга жалб этиш Давлат бюджетни маблағларини ижтимоий соҳани молиялаштиришга йўналтириш имконини беради. Қолаверса, давлат ҳисобини ва давлат кадастрини юритишга масъул бўлган идораларда фақат Давлат бюджетни маблағларига қараб ўтирмасдан, бошқа манбалардан ҳам маблағ жалб этиш ҳамда бу ишлар самарадорлигини ошириш имконияти тугилади.

Шу билан бирга, ХДП фракцияси аъзолари яна бир бор Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг моддий-техник базасини ва табиатдан фойдаланувчилар фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи ходимларни зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашни кучайтириш таклифини билдиришмоқда. Бироқ, бу таклиф муҳокама этилаётган қонун лойиҳасининг предмети эмас. Назар

лар учун жавобгарлик масаласини мазкур қонуннинг ўзида белгиласак, бошқа қонунларимиз бўйича қандай йўл тутишимиз керак, деган табиий савол тугилади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёсини дахлсизлигини таъминлаш орқали барқарор ривожланишга эришиш асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда мазкур партия фракцияси қонун лойиҳасининг айрим нормалари бўйича ўз таклифларини билдирган. Хусусан, қонун лойиҳасининг 21-моддаси иккинчи қисмида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини, уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосасига кўра Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатнома асосида йўл қўйилиши белгиланган. Бироқ, муҳолиф фракциянинг ушбу нормадан фарқли ўлароқ камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимлик турларини асраб-авайлашнинг аҳамияти катта эканлигини инобатга олиб, бундай рухсатномалар халқ депутатлари ма-

зиммасига юкланган вазифани бажариши лозимлигини назарда тутмоқда.

Қонун лойиҳасининг 45-моддаси бўйича фикр юритилиб, мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқишнинг белгилаб қўйиш таклифи этилган. Аммо, ушбу мониторинг Ўзбекистон Республикасида Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ягона тизимининг бир бўла-

ХДПчилар қайси фикрга қўшилмаслигини, қандай янги гояларни илгари сураётганликларини топа олмадик.



римида, мазкур партия вакиллари "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги ва "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларнинг янги таҳрири бўйича илгари сурган гоя ва фикрларда умумийлиги бойлигимиз бўлган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ҳимоясидан кўра Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ходимлари манфаати устунлик қилаётганлиги яққол кўриниб қолган.

Қонун лойиҳасининг 41-моддаси, яъни ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишнинг рағбатлантириш масаласини чиқариб ташлаш ҳақидаги таклиф ҳам ўринсиздир. Чунки, бундай имтиёзлар бошқа давлатларнинг амалиётда мавжуд бўлмас ҳам, бизнинг мамлакатимизда мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 сентябрдаги 278-сон қарори билан юрти-

халлий Кенгашларида кўриб чиқилиб, тасдиқланган тегишли хулосага ҳам асосланиши зарурлигини киритишни назарда тутиш таклифи жамиятимиз ҳаётида кечаётган демократик ўзгаришлар ва ҳар бир соҳада ваколатли идораларнинг масъулиятини оширишга қаратилган самарали бошқарув тизимини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли янгиланишлар руҳи ва мазмунига таоман текшари, деб ҳисоблаймиз. Чунки, мамлакатимизда қайси соҳада бўлмасин, рухсатномалар бериш тартибининг соддалаштириш ва уни ўта марказлаштиришга йўл қўймаслик сиёсати амалга оширилмоқда. Бундан ташқари бу ишларга Фанлар академияси олимлари, яъни соҳа мутахассисларининг хулосаси асосида ваколатли орган — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилган рухсатнома асосида йўл қўйилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг руҳига тўла мос ва муаммонинг энг мақбул ечими деб биламиз.

Шу ўринда, яна бир масала: "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг 32-моддасидан "маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори" жумласини чиқариб ташлашни таклиф этмоқда. Биринчидан, юқорида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маълум бир ваколат юклагани ёқлаб чиққан адолатчилар, бу ўринда энди маҳаллий давлат ҳокимияти органларини чиқариб ташлашни таклиф қилишмоқда. Бу ерда на изчиллик, на мантиқ бор. Ўз-ўзидан табиий савол тугилади, агар ўсимлик дунёсини билан боғлиқ масалалар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг "қарор чиқариши қийин кечаётган бўлса", уларни чиқариб ташлаш керакми ёки аксинча, 21-модданин иккинчи қисмига ҳам киритиш керакми? Аслида 32-модда ҳар бир давлат идораси ўз

гидир. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир йўналиш бўйича мониторинг қайси орган томонидан қандай тартибда олиб борилиши белгиланган ва уни яна бир бор ушбу қонунда тақдорлашга ҳоҳат йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон флорасини 4600 дан ортиқ ўсимлик турлари ташкил этиб, 3000 дан ортиғи ёввойи ҳолда ўсувчи олий ўсимлик турлари ҳисобланади ҳамда улардан 9 фоизи эса эндемик турларга кирди. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларининг 324 таси камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Бу ўсимликлар Ўзбекистоннинг миллий бойлиғидир. Ўз дастурий мақсадларида Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни вазифа сифатида белгиланган партиямиз учун ана шу бойликни асраш ва сақлаб қолишга ҳар томонлама кўмаклашиш шарафли бурч ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг бой, биологик ресурсларини, шу жумладан, табиий ўсимлик жамоаларини ва улар ўсадиган муҳитнинг бир бутлигини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турлари жамоаларини ва уларнинг генетик фондидан сақлаб қолиш ва қайта тиклаш бўйича муайян тажриба тўпланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ҳолда, уни такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Хусусан, қонун лойиҳасида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг фаол иштирокини таъминловчи нормаларни белгилаш, ўсимлик дунёсини умумийлиги бойлик эканлигини инобатга олиб, дарҳафт ва буталарни кесилган оид нормаларни янада такомиллаштириш, ўсимлик дунёсини объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш шартларини, алоҳида тоифадаги ерларнинг ўсимлик дунёсини объектларидан фойдаланиш қоидаларини қайта кўриб чиқиш мақсада мувофиқдир.

Умуман олганда, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши миллий қонунчилигимизни экология, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқлаштириш орқали биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми бўлган флорани, унинг генетик фондидан табиий шароитларда сақлаб қолиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида барча фуқароларимизнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби конституциявий мажбуриятларини тўлақонли рағбатлантиришга хуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга замин яратади.

Жуманазар ОТАЖОНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жалолиддин САФОВЕВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари

Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир

партия ҳудудий кенгашлари "Ёшлар қаноти" тадбирлари ёшларни ушбу ғоя асосида бирлаштирмақда

Мамлакатимизда истиқлолнинг 25 йиллигини муносиб қутиб олишга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Шундай шукҳли кунларда ҳар бир юртдошимиз қалбидан эзгу орзу-умидлар, бунёдкорлик истаги жўш урмоқда. Юртимизнинг шаҳару қишлоқларида байрамни кўтаринки кайфият, шукроналик ҳисси билан қарши олиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиляпти.



ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари, хусусан, Наманган шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳам истиқлол шодидёнасига бағишлаб "Ўзгал ва бетақоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо Ўзбекистоним!" эзгу ғояси асосида "Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир" мавзусида ёшлар форумини ўтказди.

Форумда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти", бошланғич партия ташкилоти етакчилари, хунармандлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирларимизда истиқлол берган имкониятлар, ЎзМТДП сайловолди Платформаси мақсад-вазифалари кенг тарғиб қилинмоқда, — деди ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Соҳиббахон Аъзамова. — Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онига сингдириш — асосий вазифаларимиздан. Тадбирларимиздан кўзда тутилган асосий мақсад — ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жаҳияти қуришга қаратилган бунёдкорлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш, ёшларни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни қадрлаш, халқимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга кўмаклашишдан иборат.

Форум доирасида "Ёшлар қаноти" фаолларининг вилоят марказида мустақиллик йилларида барпо этилган Хотира майдони, "Истиқлол" дизайн маркази, "Навбахор" марказий ўйингоҳи каби замонавий

масканлар бўйлаб саёҳати ташкил этилди. Таъкидланганидек, халқимизнинг буюк ва асрий орзуи ушалган кун сифатида тарих зарварақларидан жой олган мустақиллик халқимизнинг фидокорона меҳнати, эркин, озод ва фаровон турмушимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида ҳаётимиздан чуқур жой олди. Мамлакатимизда барча соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳар бир юртдошимиз қалбидан фахр-ифтихор туйғусини уйғотиб, юртимиз тараққиёти, буюк келажаги учун янада фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

Маъруза форум юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, ёш авлод қалбидан ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Ўзгал ва бетақоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти", "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган форум ҳам қизғин руҳда ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия вилоят кенгаши ходимлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Форумда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаши, жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида яратилаётган шароит ва имкониятлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Марҳабо Ғафурова жумладан, шундай деди:

— Ватанимиз мустақиллиги аёнана ва қадриятларимизни эъозлаш, уларни янада бойитиш ва ривожлантириш, ўзигимизни англаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадимизнинг амалга оширишда улкан имкониятларни яратиб бермоқда. Тинч ва осуда ҳаётимизни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар халқимизни юксак мақсадлар сари чорламоқда. Бугун мамлакатимиз ҳаётининг ҳар бир жабҳасида мустақилликнинг ўрни, аҳамияти ва натижаси яққол намён. Жаҳиятимизнинг бирор-бир аъзоси йўқки, ўз ҳаётида истиқлолнинг ижобий самараси, ҳаётбахш таъсири сезмаган бўлса. Бинобарин, мустақиллик биз учун тинч ва фаровон ҳаёт, халқаро майдонда эса нуфуз ва эътиборнинг бош мезонига айланди. Бугунги ёшлар форумида ҳам истиқлол берган имкониятлар мазмун-моҳияти кенг таҳлил ва тарғиб қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон "Миллий тикла-

ниш" демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, халқимиз урф-одатлари ва анъаналари, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Шу боис ҳам жойларда партия ташкилотлари ўтказаятган тадбирлар мазмун-моҳияти мустақиллик, миллий ўзликни англаш ва миллий тикланиш ғояларига қаратилмоқда.

Форум доирасида иштирокчилар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Ёш мусаввирларнинг ижодий ишлари, хунарманд ва тадбиркорлар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмалари, таниқли ижодкорлар, спортчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашувлар тадбирга ўзгача шукҳ бағишлади. Санъат-



корлар ижро этган куй-қўшиқларда Ватан, мустақиллик, тинчлик ва бугунги дориломон ҳаёт тарафларини ташкил этди.

Умиди ЖҲРАЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Шу кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб истиқлолимизнинг 25 йиллигига қизғин тадбир кўриломоқда. Мустақиллик, айниқса, биз ёшлар учун орзуларимизга қанот бахш этган, келажакка ишончимизни мустаҳкамлаган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун имкон яратган кун сифатида азиз ва қадрлидир. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, элу юртга содиқ, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучига айлиниб бораётган янги авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг натижасида ўзбек ёшлари бугун барча соҳада ўз иқтидор ва салоҳиятини намён этмоқда, кимларнинг авлоди ва нималарга қодирлигини амалда исботлаётди. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидан. Шу боис истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак.

Оқилхон ДАДАБОВ, ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши матбуот котиби Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Дориломон кунлар шукронаси

худудий партия ташкилотлари тадбирларининг асосий мавзуси

Қорақалпоғистон

ЎзМТДП Мўйноқ туман кенгаши "Ёшлар қаноти" мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Ўзгал ва бетақоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Юртимиз ифтихорлари — ёшлар даврасида" мавзусида тадбир ташкил этди.

— Ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш порлоқ келажаки таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бирidir, — деди партия туман кенгаши раиси Жамила Ўразбоева. — Бу эзгу мақсадга эришишда, айниқса, турли соҳаларда муваффақият қозongan юртимиз ифтихорлари билан ўтказиладиган учрашувларнинг аҳамияти беқиёс. Партия сайловолди Платформасида ҳам мамлакат ва халқимиз манфаатларини қўзлайдиган ва устувор деб биландиган баркамол авлодни тарбиялаш, амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киритган спортчилар билан юзма-юз мулоқотда спорт ёшларимиз ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, минглаб йигит-қизлар спорт билан шугулланишни кундалик вазифасига айлантиргани, бу эса уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишида қатта аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Сурхондарё

— Истиқлол йилларида ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни соғлом, билимдон, комил инсонлар сифатида вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — деди ЎзМТДП Бойсун туман кенгаши раиси Даврон Орипов "Ватан — саждагоҳ каби муқаддас" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида. — Мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида буюк аллоҳларга бешик бўлган, инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган юртимиз асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритди. Ўтган қисқа давр ичида қўлга киритилган натижалар, янгилиниш ва бунёдкорлик ишларини ёш авлод онг-шуурига сингдиришда, уларни юрт тақдирига дахлдор қилиб тарбиялашда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс.

Таъкидланганидек, энг улуг, энг азиз байрам муносабати билан ўтказиляётган тарғибот тадбирлари вилоятда кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда. Уларда партия гуруҳи, ЎзМТДП аъзолари, фаоллари ҳам муносиб иштирок этмоқда. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ҳам айнан Ватанимиз мустақиллиги, истиқлол берган кенг имкониятлар, халқимиз эришяётган улкан ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини ёшларга атрофлича тушунтириб беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хоразм

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши "Юксак маънавият ёшлар келажагини белгилайди" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда партия шаҳар кенгаши ходимлари, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

— Миллий маънавиятимиз юксалиши, айниқса, мафкуравий таҳдид ҳамда ахборот хуружларидан ҳимояланишда ажодларимиз қолдирган бой ва бебаҳо мерос муҳим ўрин тутди, — деди партия шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси Нодира Абдурахмонова. — Дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган, математика, астрономия, геодезия, тиббиёт каби аниқ фанларга асос солган ажодларимиз меросидан бутун башарият баҳраманд бўлиб келаётганидан ҳар қанча фарҳансак, ғурурлансак арзийди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, фарзандларни нурафшон келажагимиз деб билиш ўзбек халқининг юксак маънавий қадриятларидандир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот, бунёдкорликлар замирида ёш авлоднинг бахту иқболини кўриш, уларни комил инсон этиб вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам. Бу туйғу халқимизни улғайди, унга тараққиёт йўлида мавжуд тўсиқларни энгиб ўтишда улкан куч ато этади.

Сирдарё

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида хотин-қизлар ўртасида "Соғлом турмуш — фаровон ҳаёт гарови" мавзусида спорт мусобақаси ўтказилди. Унда 11 жамоа спортнинг волейбол, сузми, стол тенниси, шахмат, энгил атлетика ва гимнастика тури бўйича беллашди.

— Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад вилоятимизда оммавий спорт турларини янада ривожлантириш, хотин-қизларни спортга кенг жалб қилишга муносиб ҳисса қўшишдир, — деди партия шаҳар кенгаши раиси Замира Қаршибоева. — Зеро, маънавий ва жисмонан комилликка эришишда спортнинг роли муҳимлигини тарғиб этиш, хотин-қизлар ва навқирон авлодни спортга жалб этишга кўмаклашиш партияимизнинг дастурий мақсадларидан саналади.

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Фарзандларимизнинг маънан ва жисмонан етук бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланган ҳам ана шу эътиборнинг ёрқин далилидир. "Соғлом она ва бола" йили Давлат дастури ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ўтказиб келинаётган бундай мусобақалар оилаларда соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш, ёш иқтидор эгаларини кашф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Мусобақа қолибларига партия шаҳар кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилоти — бош таянчимиз

Сиёсий партия мақсад-вазифалари рўйида унинг асосий таянчи бўлган бошланғич партия ташкилоти фаолияти муҳим ўрин тутди. Аҳолига энг яқин ҳисобланган куйи бугун электротар мафлаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўзлаштиришга масъулларни ўрганиш партия ташкилоти ва депутатга етказишда кенг имкониятга эга.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд шаҳар кенгашининг Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мукабили драма театри қошида фаолият юритаётган бошланғич ташкилоти фаол ва ташаббускор бўлиб саналади. Маъруза куйи бугун айниқса, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёшларга маънавий ибрат бўлиб хизмат қила оладиган, ёш авлодни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга фаол замонашларимизнинг бадий образлари таъсирчанлигини кучайтириш каби мақсад-вазифалари рўйида бевоқифа кўмаклашмоқда.

Бошланғич партия ташкилоти аъзолари сони қисқа муддат ичида 150 нафарга етди.

— Аъзоларимиз сони кўпайишида аҳоли билан яқин ҳамкорлик ўрнатганимиз, улар билан доимий мулоқот олиб боришимиз муҳим ўрин тутмоқда, — дейди куйи бугун етакчиси Сар-

Саҳна асарлари

тадбирлар таъсирчанлиги, партия аъзолари сафи кенгайишида муҳим омил бўлаётир

виноз Саидова. — Ҳар бир тадбир ва тарғибот ишида аҳолининг кенг қатлами билан таъсирчанлиги қарор қилинади. Айниқса, ёшлар доимий эътиборимизда. Атрофимизга иқтидорли, ўз дунёқарошига эга, изланувчан, фаол



ёшларни ҳамлаганмиз. Тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини ошириш мақсадида унда кўтарилган мазмуви масалани, албатта, саҳна асари — бадий образлар воситасида очиб беришга ҳаракат қилинади. Бу эса, ўз

навбатига, ўсиб келаётган ёш авлодга эстетик завоқ бериш билан бир қаторда, уларни ибратли воқеалардан тўғри хулоса чиқариш, турли иллатлардан ҳимояланиш, огоҳ бўлишга ундамоқда. Айни пайтда саҳна асарларимиз воситасида миллий қадрият ва урф-одатларимиз, тарихимиз, бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш кенг ёритилмоқда. Фаол замонашларимизнинг бадий образлари ёшлар маънавий оламини бойитишга хизмат қилаётир. Бу каби амалий ишларимиз, ўз натижасини бермоқда. Жорий Соғлом она ва бола йилида партия вилоят кенгаши билан ҳамкорликда яна бир қанча янги лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Бошланғич партия ташкилоти халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари билан ўзаро

ҳамкорликда иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ҳамкорлик ҳам БПТ, ҳам партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир. Чунки депутат куйи бугун кўтариб чиққан долзарб масалаларни маҳаллий вакиллик органларига олиб чиқиш, электротарти ўйлан-тираётган масалаларни ҳал этиш, улар воситасида партия дастурий вазифаларини тарғиб қилиш имконига эга бўлаётир. Бундан ташқари, депутатлар иштирокида "Менинг оилам — менинг бахтим", "Шу азиз Ватан — баччамизники", "Биз буюк юрт фарзандларимиз", "Санъатим — бахтим" каби мавзуларда тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Куйи бугун ўз фаолиятини партия дастурий мақсадлари, бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда юриштига интиломоқда. Ўз навбатида, давр билан ҳамнафас бўлиш, аҳолининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш бошланғич партия ташкилотининг нуфузи ошиши, сафи янада кенгайишида муҳим омил бўлаётир.

О. НАСРИДИНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Конференция

Электротехника корхоналари

ишлаб чиқараётган маҳсулотлар эндиликда хорижга ҳам экспорт қилинаётир

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодийнинг барча тармоғини модернизация қилиш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий таркибий ўзгариш ва саноатни диверсификация қилиш натижасида мамлакатимизда электротехника соҳаси ҳам жадал сурьатлар билан ривожланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ташкил этган "Ўзбекистонда электротехника саноатининг ривожланиши: ҳолати ва истикболлари" мавзусидаги конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар ва "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхона раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Мустақиллик йилларида электротехника саноати жадал сурьатлар билан ривожланди, — деди

"Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Эркин Иминов. — Масалан, 2005 йилда тармоқ корхоналарида 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 триллион 300 миллиард сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш керак, "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси таркибига 50 га яқин кабель, электротехника, маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият юритади.

Конференцияда маъруза қилган "Ўзқабель" қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Зафар Мирсанов замонавий кабель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини диверсификациялаш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш ҳамда экспорт қилиш бўйича қўлаётган чора-тадбирлар, "Ўзэлэлектроаппарат-Электростит" қўшма корхонаси масъул ходими Валижон Раҳимов ички бозор ва экспортга мўлжалланган электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда қўшимча маҳсулот турларини ўзлаштириш масалаларига эътибор қаратди.

Иштирокчилар тадбир доирасида маиший техника ишлаб чиқарадиган яқин янги иш ўрни яратилди. — 2016-2017 йилларда Наманганда ўндан ортик, Сурхондарёда ўнга яқин, Қорақалпоғистонда эса 4 лойиҳани ишга туширишни режалаштирганмиз, — деди "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов. — Янги ташкил этилаётган корхоналарда маиший техника маҳсулотлари — кондиционер, чангютич, газ плиталари ишлаб чиқарилади.

— 2016-2017 йилларда Наманганда ўндан ортик, Сурхондарёда ўнга яқин, Қорақалпоғистонда эса 4 лойиҳани ишга туширишни режалаштирганмиз, — деди "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов.

Конференцияда электротехника соҳасида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, диверсификациялаш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш каби масалалар муҳокама этилди.

Конференцияда маъруза қилган "Ўзқабель" қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Зафар Мирсанов замонавий кабель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини диверсификациялаш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш ҳамда экспорт қилиш бўйича қўлаётган чора-тадбирлар, "Ўзэлэлектроаппарат-Электростит" қўшма корхонаси масъул ходими Валижон Раҳимов ички бозор ва экспортга мўлжалланган электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда қўшимча маҳсулот турларини ўзлаштириш масалаларига эътибор қаратди.

Иштирокчилар тадбир доирасида маиший техника ишлаб чиқарадиган яқин янги иш ўрни яратилди. — 2016-2017 йилларда Наманганда ўндан ортик, Сурхондарёда ўнга яқин, Қорақалпоғистонда эса 4 лойиҳани ишга туширишни режалаштирганмиз, — деди "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов.

— 2016-2017 йилларда Наманганда ўндан ортик, Сурхондарёда ўнга яқин, Қорақалпоғистонда эса 4 лойиҳани ишга туширишни режалаштирганмиз, — деди "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов.

Конференцияда маъруза қилган "Ўзқабель" қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Зафар Мирсанов замонавий кабель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини диверсификациялаш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш ҳамда экспорт қилиш бўйича қўлаётган чора-тадбирлар, "Ўзэлэлектроаппарат-Электростит" қўшма корхонаси масъул ходими Валижон Раҳимов ички бозор ва экспортга мўлжалланган электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда қўшимча маҳсулот турларини ўзлаштириш масалаларига эътибор қаратди.

Иштирокчилар тадбир доирасида маиший техника ишлаб чиқарадиган яқин янги иш ўрни яратилди. — 2016-2017 йилларда Наманганда ўндан ортик, Сурхондарёда ўнга яқин, Қорақалпоғистонда эса 4 лойиҳани ишга туширишни режалаштирганмиз, — деди "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов.

Иштирокчилар тадбир доирасида маиший техника ишлаб чиқарадиган яқин янги иш ўрни яратилди. — 2016-2017 йилларда Наманганда ўндан ортик, Сурхондарёда ўнга яқин, Қорақалпоғистонда эса 4 лойиҳани ишга туширишни режалаштирганмиз, — деди "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов.

Медиа-тур

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказида мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида матбуот анжумани ўтказилди.

алоҳида ишлаб чиққан методик қўлланма асосида валюта қимматликларини қидириш йўналишида ҳам кинолог ва хизмат итлари тайёрланмоқда.

— Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Миллий кинология маркази директори ўринбосари Фаррух Қаҳҳоров.

Марказий Осиёда ягона

кинология маркази фаолияти билан танишув

Тадбирда Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Шукуров, Миллий кинология маркази директори А.Турсунов ва бошқалар Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 24 октябрдаги "Миллий кинология хизматини ташкил этиш тўғрисида"

ректори ўринбосари Фаррух Қаҳҳоров. — Кинологлар фаолиятини самарали ташкил қилиш, кинология йўналишидаги маълумотларни реал вақт режимида жамлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини автоматлаштириш мақсадида 2014 йилдан "Кинология хизмати" ахборот тизими жорий этилди.



1998-2015 йиллар мобайнида хизмат итлари ёрдамида 2403 қонунбузилиш ҳолатлари аниқлангани амалий ишларимизнинг ёрқин натижаси, десак хато қилмаган бўлаемиз.

Таъкидлаш жоиз: Марказдаги инструкторларнинг аксарияти Россия, Венгрия, Франция, Австрия ва Япония давлатларида малака оширган.

Таъкидлаш жоиз: Марказдаги инструкторларнинг аксарияти Россия, Венгрия, Франция, Австрия ва Япония давлатларида малака оширган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази фаолиятини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти каби қатор халқаро ташкилотлар эътибор этган. 2008 йилда марказга Жаҳон божхона ташкилоти томонидан Минтақавий кинология маркази мақоми берилган.

Медиа-тур давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари Миллий кинология маркази фаолияти билан танишдилар ҳамда кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб олинди.

Медиа-тур давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари Миллий кинология маркази фаолияти билан танишдилар ҳамда кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб олинди.

Тўмарис АЪЗАМ, "Milliy tiklanish" мухбири

Бадий гимнастика

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратишмоқда. Бунда, айниқса, болалар спортини ривожлантириш беҳисоб аҳамиятга эга.

Соғлиқ ва гўзаллик асоси



мазкур тури билан шуғулланувчилар сони кескин ошди. Агар 2003 йилда бадий гимнастика билан шуғулланувчи 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизлар сони атиги 1646 нафарни ташкил этган бўлса, айни пайтга келиб улар сони қарийб 30 минг нафарга

етди. Жумладан, бизнинг мактабимизда бадий гимнастика бўйича, асосан, профессионал ходимлар фаолият кўрсатади. Мураббий ва ўқитувчиларимиз таркиби — малакали ва тажрибали мутахассислардан иборат. Турли ёшдаги ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш мураббийдан бола психологиясини яхши билишни, педагогик маҳоратни талаб этади.

Ўғил-қизларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда спортга муҳаббат уйғотиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунга келиб, спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоиз, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоиз камайди. 14 ёшдаги ўғил-қизларимизнинг бўйи эса сўнгги ўн йилда ўртача 2,8 сантиметр ўсди.

Хозирда мактабимизда 9 мураббий, 9 тарбиячи, хореограф ва концертмейстер, тиббиёт ходими, услубчи ва психологлар сабоқ бераётир. Тарбияланувчиларнинг 6 нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, 30 нафари спорт усталигига номзод. Улар халқаро мусобақа ва турнирларда 29 олтин, 35 кумуш, 15 бронза медалини кўлга киритишга муваффақ бўлди. Тажрибали мураббийларимизнинг саяёҳаракатлари туфайли мактаб тарбияланувчилари уч йилдан буён Осиё чемпионатларида совринли ўринларини кўлга киритмоқда. Масалан, 2014 йилда Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида Сабринна Рамазонова, Ирина Салех, Камилла Рустамова, Гўзал Райманова, Карина Тоғаева, Фарангиз Аҳмедова, Нилуфар Шомуродова каби қизларимиз яққалик ва гуруҳ баҳсларида олтин медал соҳиб бўлдилар.

Бунда айниқса, спортнинг нафис тури — бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси муҳим ўрин тутди. Мазкур спорт турини янада ривожлантириш, иқтидорли болаларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни, ўқувчи-ёшларни бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг сафидан мамлакат терма жамоаларининг ишончли захирасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 августдаги қарори муҳим асос бўлмоқда.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси мураббийларимиз малакасини янада ошириш, хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бир гуруҳ мураббийларимиз Германия ва Россия каби давлатларда малака ошириб, халқаро сертификатларга эга бўлдилар. Бу амалий ишлар келажақда янада улкан натижаларга эришишимизда муҳим ўрин тутуши шубҳасиз.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурдаги Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби директори Фахриддин САЪДУЛЛАЕВ билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

Спорт мактабимиз ташкил этилганига энди беш йил бўлди. Хали олдимизда амалга оширилиши керак бўлган жуда кўп вазифалар турлибди. Энг катта оғирлигимиз эса мактабимиз ўқувчилари орасидан жаҳон чемпионларини тайёрлаш ва тарбиялашдан иборат.

— Бадий гимнастика нафис ва гўзал спорт тури саналади, — дейди Ф. Саъдуллаев. — Спортчи ёшлар бир пайтнинг ўзида ҳам спорт билан шуғулланиш, ҳам умумтаълим мактабиде сабоқ олишга улгурмоқда. Улар учун ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам барча шaroит яратилган: бадий гимнастикага мўлжалланган янги спорт иншоотлари бунёд этилган. Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда спортнинг

"Milliy tiklanish" мухбири Т. БУТУНБОЕВА ёзиб олди.

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида республикада илк мартаба уч босқичда "Энг яхши ишчи касб эгаси" танлови якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Энг яхши ишчи касб эгаси"

танлови ғолиблари аниқланди

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Д.Маҳмадалиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама етув инсонлар қилиб тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувори йўналишларида биргига айланганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ёшлар манфаатларини таъминлашда дастуриламал бўлмоқда.

Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши турли касб-хунарларни эгаллаб, ишчи касбларида меҳнат қилаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилдан бошлаб "Энг яхши ишчи касб эгаси" танловини ўтказишни йўлга қўйди.

лари фаол қатнашди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ўтказилган танлов касбга тайёрлашнинг энг яхши аъёнларини оммалаштириш, ёшларнинг меҳнатсеварлик, ишга масъулият билан ёндашиш каби фазилатларини янада мустаҳкамлаш икконини берди.

"Ёш ишчи кадрларни тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга қўмаклашиш" лойиҳаси иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, ўзлари танлаган касб-хунар сирларини пухта ўрганишга бўлган қизқишини янада оширди. Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди давлат ижтимоий буюртмаси сифатида қўллаб-қувватлаган ушбу лойиҳада корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларининг ёш ишчи мутахассислари, касб-хунар коллежларининг юқори босқич ўқувчи-

Танловнинг барча босқичларида иштирок этган 84 нафар ёш "Пайвандлаш ишлари (механика) техниги", "Қишлоқ хўжалиги машина ва жiҳозларига хизмат кўрсатиш механизми", "Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси", "Умумқурилиш ишлари устаси", "Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник-технологи", "Ошпаз", "Сартарошлик ва декоратив косметика устаси" номинациялари бўйича маҳоратини намойиш этди.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Тадбир

Юртимизда байрам шукуҳи

Президентимизнинг 2016 йил 2 июнидаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб байрамга тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

ҳамда замонавий тус олишига хизмат қилмоқда.

жаннатмонанд ўлкамизнинг саховати ва гўзаллигини тинчлик-хотиржамликни, тўқинликни ўзида намойиш этди. Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари ташкилотларини бирлашмаси кенгаши илгор ишчи-хизматчиларини тақдирлади. Спорт бўйича Осиё ва жаҳон чемпионлари, турли йўналишдаги давлат мукофотлари совриндорларининг чиқишлари, халқ ҳофизлари ихросидеги мумтоз куй ва қўшиқлар, танқили эстрада хонандалари, театр актёрлари, аскиячилар, фольклор жамоалари, ёш ихрочиларнинг чиқишлари йиғилганларга байрамонга кайфият улашди.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда ҳам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва бунёдкорлик соҳасида эришаётган ютуқлари ҳақида сўзлашди.

— Юртимизнинг тарихи, бугуни, унинг бой маданий меросини санъат орқали ёшлар қалбига етказиш муҳим вазифаларимиздандир, — дейди Мирзо Улугбек тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Раҳима Юсупова. — Тадбир доирасида ташкил этилган ҳар бир кўргазмада халқимизнинг бой маданияти, ютуқлари кенг акс этмоқда.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Юртобимиз раҳнамолигида пойтахтимизни янада ободонлаштириш ва қўламазорлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди, янги иншоотлар, мухташам маданият ва спорт саройлари, раvon йўллар, боғ ва хиёбонлар барпо этилди. Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари пойтахтимизнинг янада обод, гўзал

Гул сайли, миллий кўғирчоқлар, ҳунармандлик ва non маҳсулотлари кўргазмалари халқимизнинг фазилатлари,

Гул сайли, миллий кўғирчоқлар, ҳунармандлик ва non маҳсулотлари кўргазмалари халқимизнинг фазилатлари,

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Рио Олимпиадаси

санокли кунлардан сўнг Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинлари бошланади

Набатдаги ёзги Олимпиада мусобақасига 5–21 август кунлари Рио-де-Жанейродан ташқари Белу-Оризонти, Бразилия, Салвадор ва Сан-Паулу шаҳарлари ҳам мезбонлик қилади. Унинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, бу — Жанубий Америкада бўлиб ўтадиган илк Олимпиада саналади. Сайёрамизнинг 207 давлатидан ташриф буюрадиган 10 минг 500 спортчи спортнинг 33 тури бўйича жами 306 медаллар шодаси учун баҳс олиб боради.



“Ҳаммамиз — Бразилиядамиз!”

Бу галги Олимпия ўйинлари мезбонлиги учун танлов 2007 йилнинг 16 майдан 13 сентябргача давом этди. Мусобақани Боку (Озарбойжон), Доха (Қатар), Мадрид (Испания), Прага (Чехия), Рио-де-Жанейро (Бразилия), Токио (Япония), Чикаго (АҚШ), Санкт-Петербург (Россия) шаҳарлари қабул қилиш истагида ариза топширган эди. Бироқ танловнинг финал босқичига Мадрид, Рио-де-Жанейро, Токио ва Чикаго етиб келди. Сўнгги овоз бериш жараёнида 2009 йилнинг 2 октябрда Даниянинг Копенгаген шаҳрида, Халқаро олимпия кўмитасининг 121-сессиясида бўлиб ўтди. Унда 66 овоз олган Рио-де-Жанейро шаҳри танлов ғолибига айланди. Мазкур шаҳар 1936, 1940, 2004 ҳамда 2012 йилги Олимпия ўйинлари танловига ҳам ариза топширган, бироқ ғолиб бўла олмаган эди.

Бразилия айти пайтда Олимпиада ўйинларини ўтказишга тайёрлигини билдирди. Хукумат ёзги Олимпия ўйинлари чоғида инфратузилма ва хавфсизлик таъминоти учун 2,9 миллиард реал (849 миллион доллар) ажратди. Шунингдек, мусобақа учун шор ҳам танланди: “Ҳаммамиз — Бразилиядамиз!”.

Олимпиада қишлоғи

Рио-де-Жанейрода мусобақа иштирокчилари учун махсус Олимпиада қишлоғи барпо этилди. Жорий йилнинг 16 июнь кунини шаҳарнинг Барради Тужука мезбонига жойлашган мазкур иншоотнинг расмий очилиши бўлиб ўтди. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари вақтида бу ерда 28 минг нафардан ортиқ спортчи, волонтер ва делегация аъзолари истиқомат қилади. Ушбу мажмуа 31 бинодан иборат бўлиб, уларда мусика асбоблари, видеоўйинлар, бассейнлар, теннис кортлари, косметолог ва психолог хоналари мавжуд. Хоналар учун 80 минг кресло, 70 минг стол, 29 минг кроват, 6 минг телевизор, 10 мингдан ортиқ смартфон ажратилган. Экспертларнинг фикрича, маз-



Рангин дунё

Уч рангда товланувчи ўйингоҳ

Мюнхен шаҳрида бунёд этилган “Альянц Арена” стадиони нафақат Германия, балки дунёдаги энг мухташам, замонавий ва кўракм спорт иншоотларидан. Уни гаройиб кўринишига қараб “шиширилган қайиқ”, “автомобиль шинаси” ёки “ҳаво ёстиқчаси” деб ҳам аташади. Ўйингоҳ 2006 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувларига, 2012 йилда Европа чемпионлар лигасининг финал баҳсига мезбонлик қилган. 2005–2006 йилги футбол мавсумидан буён икки Мюнхен клуби: “Бавария” ҳамда “Мюнхен 1860” мезбон сифатидаги ўйинларини айнан шу стадионда ўтказиб келмоқда. Қурилган пайтда у ҳар иккала клубга тегишли эди. Бироқ кейинчалик “Бавария” клуби “Мюнхен 1860” жамоасининг стадионга тегишли акциялари улушини ҳам сотиб олиб, унинг мутлақ эгасига айланди.

“Альянц Арена”ни қуриш учун 286 миллион евро, ўйингоҳ атрофидаги инфратузилмалар учун эса шаҳар бюджетидан 210 миллион евро сарфланди. 2001 йил 21 октябрда бу ерда ўйингоҳ барпо этишга қанчалик эҳтиёж борлиги масаласида референдум ўтказилди. Унда иштирок этган фуқароларнинг учдан икки қисми стадион қуриш зарурлигини маълум қилди. Шундан сўнг янги ўйингоҳ лойиҳасини яратиш учун меъморлар ўртасида танлов ташкил этилди. Унда Швейцариянинг “Херцог ва де Мёрон” меъморчилик бо-

кур Олимпиада қишлоғи халқаро мусобақа тарихидаги энг катта мажмуа саналади.

— Спортчилар бу ерда мусобақага тайёргарлик кўриш билан бирга, учрашувлар муҳокамасини уюштириши, ғалабаларни нишонлашлари, турли-туман таомлардан таннавул қилишлари мумкин, — деди Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бах.

Олимпиада мусобақалари якунланганидан сўнг бу ер аҳоли яшайдиган мажмуаларга айлантирилиши режалаштирилган.

Зика вируси, допинг ва бошқа масалалар

Допинг — жорий йилнинг энг катта ва шов-шувли воқеаларидан бири бўлди. Россиялик энгил атлетикачилар билан боғлиқ мождарлар халқаро кўламга кўчиб, Жаҳон аксидлопинг агентлиги (WADA) бугун ҳеч бир спортчи ёки мураббийни аяб ўтирмапти. Нафақат Олимпиада-2016 иштирокчилари, балки Пекин-2008 ва Лондон-2012 Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчиларнинг ҳам қон таҳлиллари қайта текширувдан ўтказилмоқда.

Айни пайтда Рио-де-Жанейродаги аксидлопинг лабораторияси фаолияти вақтинча — барча муаммо бартаф этилгунча ҳамда WADA берадиган аккредитациялар янгилангунча қадар тўхтатилган. Агар лаборатория иши Олимпиада пайтида қайта тикланмаса, олинажак таҳлиллар текшириш учун Швейцариядаги лабораторияга жўнатилади.

Яна бир масала — Бразилияда тарқалган Зика вируси билан боғлиқ. Ушбу эпидемия туфайли айрим иштирокчи давлатлар ўз спортчиларига Бразилияга бормасликни тавсия этишаётгани ҳақида хабарлар тарқатилди. Бироқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Зика вирусининг тарқалиши юзасидан баёнот бериб, Бразилия ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар натижасида вируснинг жаҳон бўйлаб тарқалиши эҳтимолдан узоқ эканини таъкидлади. Шунингдек, Бразилия спорт вазири Леонардо Пиччани ҳам Олимпиада вақтида вирусга чалиниш деярли “нол”га тенг эканини маълум қилди.

Вакилларимиз тўлиқ таркиб билан иштирок этади

Мамлакатимизда олимпия ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар халқаро спорт ташкилотлари эътирофига сазовор бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг бу борадаги ташаббуслари Халқаро олимпия кўмитаси, Осиё олимпия кенгаши, Миллий олимпия кўмитала-

ри ассоциациясининг олий нишонлари билан тақдирлангани фикримиз далилидир. Мустақил Ўзбекистон жамоаси илк бор 1996 йил АҚШда бўлиб ўтган ёзги Олимпиадада иштирок этган. Ушанда 13 йўналишда иштирок этган 67 вакилимиз 200 га яқин мамлакат орасида умумжамоа ҳисобида 58-ўринга сазовор бўлган эди. Умуман, шу пайтга қадар спортчиларимиз ёзги Олимпия ўйинларида 5 олтин, 5 кумуш, 10 бронза медалини кўлга киритган.

Бу галги Олимпиадага ҳам спортчиларимиз юқори даражада тайёргарлик кўрди. Бу борада Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Пойтахтимизда Миллий олимпия кўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилди, спортчиларимизни тиббий-биологик хизмат ва спорт психологияси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси доирасида 2013 йил 2 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпияда иштирокчилари кўлаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур жамғарма маблағлари спорт федерацияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда. Шу билан бирга, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича спортчи ва мураббийларга стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, халқаро майдонларда юртимиз шарофтини муносиб ҳимоя қилаётган спортчи ва мураббийлар ҳар ойда қўшимча тарзда бериладиган стипендиялар билан рағбатлантириб борилмоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, мазкур Олимпиадада муносиб иштирок этиш учун пухта замин ҳозирлади.

Оксана Чусовитина учун еттинчи Олимпиада

Шу ўринда муҳим маълумот: бундай нуфузли мусобақада спорт гимнастикаси устаси Оксана Чусовитина фаолиятидаги еттинчи, трампи-

линчи Екатерина Хилько бешинчи бор иштирок этиш имкониятини кўлга киритди. Бокс ва энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Рио сари тўлиқ таркиб билан йўл олаётгани юртдошларимизда катта ишонч уйғотмоқда. Бундан ташқари, спортнинг академик эшак эшиш, эркин ва юнон-рум кураши, бадарка ва канозда эшак эшиш, дзюдо, теннис, ўқ отиш, стол тенниси, сузиш, трамплин, спорт гимнастикаси, таэквондо WTF, оғир атлетика ва бадий гимнастика турлари бўйича йўлланмалар кўлга киритилган. Улар орасида катта тажрибага эга дзюдочиларимиз ҳам борлиги қувонарлидир. Масалан, 100 килограммдан оғир вазн тоифасида Абдулла Тангриев 2008 йил Пекинда бўлиб ўтган Олимпиадада кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, Ришод Собиров 2008 йилги Пекин ҳамда 2012 йилги Лондон Олимпия ўйинларида бронза медаллари билан тақдирланган.

Спортчиларимизнинг Олимпиада ўйинларидаги иштироки ҳукуматимиз томонидан мунтазам кўлаб-қувватлаб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 12 июлдаги қарорига қўра, Олимпиада ўйинларида олтин медалга сазовор бўлган ҳар бир спортчи 200 минг АҚШ долларини кўлга киритади. Кумуш медалга эришган спортчи 100 минг доллар, бронза медалини кўлга киритган спортчи эса 75 минг АҚШ доллари миқдоридида мукофот берилади.

Шарҳимиз сўнггида Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бахнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласига эътибор спорт ривожига муҳим аҳамият касб этади, ана шундай муҳим ва шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бормоқда”.

Бундай юксак эътирофга ҳамоҳанг равишда спортчиларимиз Олимпия ўйинларида Ватанимиз байрогини янада баланд кўтариш, мамлакатимиз шухрати ва нуфузини тобора юксалтириш учун бор куч-ғайратини ишга солиши шубҳасиз. Чунки бунинг учун мамлакатимизда барча имконият ва шароит яратилган.

Аҳмад ЮСУПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Ёнғин келтирган талофат

Мадагаскардаги шахсий уйлардан бирида келиб чиққан ёнғин оқибатида 38 киши ҳалок бўлди. AFP ахборот нашрининг хабарига кўра, уларнинг 16 нафари ёш болалардир.

Ушбу мудҳиш воқеа дам олиш кунлари мамлакат марказидаги қишлоқлардан бирида одамлар янги уйга кўчиб ўтганини нишонланаётган пайтда содир бўлган. Уйда 39 киши истиқомат қилган, улардан фақат бир киши омон қолган.



“Iphone”лар

миллиардга яқинлашди

“Apple” корпорацияси сотилган смартфонларнинг сони бўйича рекорд кўрсаткични қайд этишга яқин турибди. “Financial Times” нашри тарқатган маълумотларга кўра, унинг сони 1 миллиардга етиш арафасида.



Мазкур компания жорий йилнинг иккинчи чорагида 40 миллионга яқин iPhone сотган. Шу тариқа, компания бир ойда ўртача 13 миллион смартфон сотмоқда.


Бу ҳақда расмий маълумот тез кунларда эълон қилинади. АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюроси хабарига кўра, 2016 йил 1 январидан сайёрамиз аҳолиси 7,3 миллиард кишига етган. Бу эса, ҳар саккиз кишидан бири “Apple” компанияси ишлаб чиққан смартфонга эга бўлиши мумкин, деганидир.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, харидорлар янги “Apple iPhone 7” смартфонини шу йилнинг 16 сентябридан бошлаб сотиб олишлари мумкин. Уша кун “iPhone 7 Plus” ва “Pro” версиялари ҳам сотува чиқарилади.

10 ёшли болакай уйдан қочиб кетди

Шотландиялик 10 ёшли Кайл Макинтер онаси смартфондан унинг семимли ўйини — “Pokemon GO” иловасини ўчириб ташлагани учун уйдан қочиб кетди. Бу ҳақда “BuzzFeed” нашри маълум қилган.

Кайлнинг онаси Стефани укасининг қочиб кетиши тасвирланган видеоларни Интернетга жойлаштирди. “У ўзининг футболда кўлга киритган медаллари ва бошқа буюмларини олиб, бунимизникига қочиб кетди! Учрашгунча, Кайл!”, — деб ёзади у “Twitter” тармоғидаги саҳифасида. Опасининг сўзларига кўра, ҳозирда Кайл “Pokemon GO” ўйинини қайта ўрнатган, лекин уйга қайтишдан бўйин товламақда. Бола уйга қачон қайтиши ҳақидаги саволга “ҳеч қачон”, дея жавоб қайтарган.



Маълумот ўрнида айтиш жоиз, “Pokemon GO” — Android ва iOS қурилмалари учун мўлжалланган ўйин ҳисобланади. Унда ўйин иштирокчиси ўзининг смартфонини билан шаҳар бўйлаб ҳаракатланиб, покемонларни излайди ва уларни виртуал покеболлар ёрдамида тутди. Кўлга олинган персонажларни машқ қилдириб, бошқа ўйинчилар билан кураш ташкиллаштириш мумкин.

Интернет хабарлари асосида
Паризод АЗИМОВА тайёрланди

роси ғолиб чиқди. Меъморлар Базель шаҳрида жойлашган “Санкт-Якоб Парк” стадионига ўхшаш, ташқи томондан ҳаво тўлдириладиган этилфлуорэтилен қопламали, ички томондан турфа рангли чироқлар воситасида ёритиладиган стадион лойиҳасини ишлаб чиқди. Ана шу лойиҳа асосида 2002 йилнинг 21 октябрида пойдевори қуйилган стадион 2005 йилнинг апрелида қуриб битказилди.

Ўйингоҳ алоҳида нуфузли шахслар ҳамда имконияти чекланган мухлислар учун ажратилган жойлар билан ҳисоблаганда 75 минг томошабинга мўлжалланган. Майдонда дўкон ҳам жойлашган бўлиб, “Бавария” клуби мухлислари ўз клубига тегишли эсдалки буюмларни бу ерда харид қилишлари мумкин. 2012 йилдан буён стадионда “Бавария” клуби тарихига оид музей фаолият кўрсатиб келмоқда.

Стадион автотураргоҳи тўрт қаватли бўлиб, 9,8 минг автомобильга мўлжалланган. Аренининг шимолӣ ҳақда жанубий қисмида мухлисларни ташийдиган автобусларга мўлжалланган автотураргоҳ мавжуд. Ўйингоҳда чипталар сотиладиган 55 касса фаолият кўрсатади. Унинг жанубий қисмида Эспланада хивбони барпо этилган. Мухлислар “Фрётманнинг” метро бекати ҳамда автотураргоҳдан чиқиб, бу ердаги махсус йўлакчалар орқали стадионга кириб келадилар.

Спорт иншоотига ўйин ўтказилмайдиган кунлари ҳам ташриф буюриб, Мюнхен клублари тарихи, майдон имкониятлари билан яқиндан танишиш мумкин. Ўйингоҳнинг ташқи кўриниши ва томи ҳаво билан тўлдирилган 2 минг 760 ёстиқчадан иборат. Ёстиқчаларнинг ҳар бири қизил, кўк, оқ рангда ёритилиши мумкин. “Бавария” мусобақа мезбони сифатида ўйинга тушганда стадион уларнинг уй либоси — қизил рангда товланади. Борди-ю, мезбон “Мюнхен 1860” бўлса, стадион кўк рангда кўриниш беради (уларнинг либоси кўк рангда). Германия терма жамоаси иштирокидаги ўйинларда эса ўйингоҳ оқ тусида киради. Иншоот ёриткичлари шу даражада кучли ёғду таратадики, уни ҳаво очик кунлари, ҳатто тахминан 75 қақирим узоқликдаги Австрия тоғлари чўққисидан туриб ҳам

кўриш мумкин. Стадион чироқлари рангининг ўзгаришига йўлда ҳаракатланувчи автомобилга ҳайдовчиларини чалғитмаслиги учун фақат кечаси, ҳар ярим соатда рухсат берилган. 2005 йил 30 майда стадионнинг очилиш маросими доирасида ўтказилган “Мюнхен 1860” ҳамда “Нюрнберг” жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашувида 3:2 ҳисобида мезбонларнинг қўли баланд келди. “Бавария” мусобақа Патрик Мильхраум стадион тарихидаги илк расмий голга муаллифлик қилди. Кейинги кун “Бавария” ҳамда Германия терма жамоаси ўртасида ҳам ўйин ташкил этилди. Мазкур учрашууда 4:2 ҳисобида мюнхенликлар ғалаба қозонди. “Бавария” жамоаси Бундеслига доирасидаги илк учрашувини 2005 йил 5 августда Мюнхенга шаҳарнинг “Боруссия” жамоасига қарши ўтказиб, 3:0 ҳисобида устун келди.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Замбуруғ ёз мавсумида кўп учрайдими?

Ёз фаслида онихомикоз (оёқ тирноқларининг дерматофит замбуруғлар билан зарарланиши) кўп кузатилади. У, асосан, энгил, ҳар тарафи очiq оёқ кийимларида юришдан келиб чиқади. Қолаверса, бу турдаги пойабзаллар билан сув ҳавзалари ва спорт залларига ҳам борилади. Одамлар гавжум жойларда эса ҳаво таъсири ва бошқа бир қатор ташқи омиллар туфайли замбуруғларнинг кўпайиш эҳтимоли юқори. Баъзилар замбуруғли касаллик у қадар жиддий эмас, деб шифокорга мурожаат қилмайди. Аслида оддий кўринган бу касалликни ўз вақтида даволаш муҳим аҳамиятга эга.



Замбуруғ организм-га майда жароҳатлар орқали тушади. Масалан, оёқдаги кўз илғамас ёришлар, оёқнинг тор пойабзалга ишқаланиб шилиниши, тирноқ олинаётганда ёки пардоз вақтида терининг кесилиб яраланиши каби ҳолатлар шулар жумласидан.

Организмда иммунитет ҳолати меъёрда бўлса, замбуруғ юққанидан сўнг касалликнинг бундангич даврида оёқ терисининг пўст ташлаши кузатилади. Шундай ҳолатда мустақил даво-ланмай, албатта, шифокорга мурожаат қилиш лозим. Кўпчилик даволанганидан сўнг, зарарланган барча оёқ кийимини ташлаб юбориш керак, деб ҳисоблайди. Аслида эса, бу тадбирни ҳар доим ҳам қўллаш тўғри бўлавермайди. Оёқда замбуруғ аниқланганида даволаниш вақтида фақат пайпоқсиз кийиладиган оёқ кийимлар (уйда ва кўчада кийиладиган энгил пойабзаллар)ни ташлаб юриш мумкин. Туфли, спорт ва кички пойабзалларни эса махсус тозалаш воситалари билан дезинфекция қилиб қийиш мумкин.

Замбуруғ касаллиги тўғри даволанса, қайталамайди. Касалликнинг илк босқичларида (тирноқ емирилиши ҳали бошланмасидан илгари) ташқи даво воситалари — малҳам, махсус лак ва эритмалардан фойдаланишнинг ўзи кифоя. Агар тирноқ юзасининг 40 фоиздан камроқ қисми зарарланган бўлса, шифокор бу юрган дори воситаларини қабул қилиш керак. Касаллик ўтказиб юборилган ҳолатларда эса дастлаб тирноқ юзасини тоза-лаб, сўнг муолажа ўтказиш лозим.

Замбуруғ уруғлари тўлиқ йўқолгандан сўнг, бемор бутунлай даволанган ҳисобланади. Бироқ эҳтиёт чораларига амал қилин-маса, замбуруғни яна юқтириб олиш мумкин. Касалликка чалин-маслик учун табиий материаллар (чарм)дан тайёрланган, ҳаво ўтказувчи пойабзал кийиш лозим. Бу, айниқса, ёз фаслида жуда муҳим. Умумий фойдаланиш жойлари, жумладан, сув ҳавзаси, меҳмонхоналар, спорт залларида ялангоёқ юрмаслик керак. Дўкондан оёқ кийими харид қилаётганда уни, албатта, пайпоқ билан кийиб кўриш мақсадга мувофиқ. Тирноқ олинаётганда ёки пардоз вақтида ишлатилаётган асбоблар ва воситалар дезинфекция қилинганга ишонч ҳосил қилиш керак.

БИЛАСИЗМИ?

- Дунёдаги энг йирик кит 1926 йилда тутиб олинган: унинг узунлиги — 33 метр, оғирлиги 150 тонна бўлган.
- Кит танасидаги ёғлар ҳисобига йилнинг саккиз ойи давомида ҳеч нарса истеъмол қилмай яшай олади. Бироқ ёз мавсумида уларнинг иштаҳаси очилиб, кунига уч тоннагача турли денгиз мавжудотлари (асосан сув ўтлари, кичик қисқичбақа ва балиқлар) билан озиқланади.

ТУРФА ОЛАМ

Етти йиллик меҳнат маҳсули

Хитойлик фермер Се Баоганг қўлбола учар қурилма-автомат жасди.

Мустақил авиаконструктор яқинда ўз меҳнати маҳсулини синовдан ўтказган. Интернетда синов парвозларини асбобловчи видеолар тарқалган.

Хабарларга кўра, Се Баоганг фақат ўрта мактаб маълумотига эга бўлиб, қишлоқда яшайди. Кундузи дехқончилик билан шуғулланувчи изланувчан фермер кечқурунлари қўлбола учар мосламаси устида ишлаган. У ўз моделини 2009 йили намойиш этган бўлса-да, бироқ уни такомиллаштириш учун етти йил вақт сарфлаган.

Одамнинг ичида ишловчи робот

АҚШнинг Массачусетс технология институти олимлари Шеффилд университети ва Токио технология институти олимлари билан бирга одамнинг ички аъзоларида ишловчи митти робот жасди.

Олимларнинг таъкидлашича, қурилма одам ичига ютиб юборган турли ёт жисмларни чиқаришга ёрдам беради. Сўнгги йилларда америкаликлар орасида кичкина батареяка ютиб юборилган 3,5 мингдан кўпроқ ҳолат кайд этилган. Бир бола кичкина батареякани 65 марта ютиб юборган ва шунча микдорда операция қилинган. Робот ютиш осон бўлиши учун капсулага жойлаштирилади ва оддий дори каби истеъмол қилинади. Капсула одам ичида эрийди ва ундан чиққан робот эса ўз ишини бажара бошлайди. Робот осон ҳаракатланиши учун кичкина сузгичлар билан жиҳозланган. Қурилмага махсус магнит ўрнатилган бўлиб, шифокор унинг ёрдамида роботни ташқаридан турли бошқара олади. У ҳозирча ютиб юборилган, ошқозоннинг шиллик қавати ёки ичкада тикилиб қолган ёт жисмларни олиб чиқади. Мутахассислар келажакда у янада такомиллаштирилиши, яъни одам ичида ҳам жарроҳлик операцияларини ўтказиши, ҳатто ичкадаги шикастланишларни тика олиши мумкинлигини айтишмоқда.

Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Момолар хунарини ардоқлаб...

Хунарманд

Истиқлол йилларида бебаҳо маданият ва маънавий қадриятларимиз, хусусан, халқ амалий санъати қайта тикланди, қадр топи ва юксалди. Хунарманд аниқ мақсадга эга тадбиркорга, халқ амалий санъатининг фидойисига айланди. Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони соҳа турларини қайта тиклаш ҳамда уни дунё миқёсида таништиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

кашта тикишдан аввал унга ип тайёрлаш, ранг бериш, нақшлар танлаш, тикишда бигиздан фойдаланиш усулларини эндиликда шогирдларимга ҳам ўргатаймиз.

Халқ амалий санъатининг бошқа турларида уста аввал шогирд тушиб, унинг сир-асрорларини узоқ ўрганган бўлса, каштачилик санъати билан эса ҳар бир аёл ўзи шуғулланган. Шунинг учун бўлса керак, каштачиликда халқнинг ички дунёси, эстетик дунёқараши яққол акс этган. Урта Осиё халқларида уй ва кийимларни кашта билан безаш кенг тарқалган. Деворга осиладиган сўзана, жойлўш, тақияпўш, зардевор, сандалипўшдан то дўппи, кулоҳ, жияк, этик, махси-ковушлар, ойнахалта, та-

айни шундай фазилат бўлган, — дейди хунарманд. — Момоларимиз уйларга осилган кашталарга қараб хонадон соҳибаси ёки унинг онасининг келиб чиқишини аниқ айтиб бера олган. Чунки, худудларимиз каштачилиги бир-биридан хозирда ҳам фарқ қилади. Масалан, Бухоро каштасини Нурота каштаси сингари ажратиб олиш қийин, сабаби улар жуда ҳам хилма-хилдир. Бухоро кашталарининг ўзига хос белгиларидан бири — йўрма чокни маҳорат билан қўллаш.

Қадимий иш қуролида яратилган маҳсулот янада ёрқин ва сифатли чиқади. Масалан, каштачиликда бигиз қадимий иш қуроли бўлиб Бухорода “даравш” деб аталади. Даравш билан тикишда ипак иплар аввал калава шаклида таёрланади, бўялади. Сўнг калава копток шаклида ўралиб, ипларнинг бири ўнгга, униси эса чапга айлантирилиб, тоб солинади. Шундан сўнг улар бирлаштирилиб, икки ип бир қатим қилиниб ўралади ва кичик копток шаклига келтирилади. Кашта тикиладиган бигиз илмоқли ва ёғоч дастали бўлади. Кашта тикиш пайтида бигиз илмоғи зарар етказмаслиги учун бармоққа махсус асбоб — темир тирноқ ёхуд ноҳун кийдирилади.



роқхалтагача кашта билан безатилган.

“Кекса ёшлиларимиз бошқа худуддан келганларнинг қаерданлигини унинг дўпписига қараб бехато айтишган”, деб айтган фикримни Зўхра опа шундай давом эттиради:

— Моҳир каштадўларимизда ҳам

тали бўлади. Кашта тикиш пайтида бигиз илмоғи зарар етказмаслиги учун бармоққа махсус асбоб — темир тирноқ ёхуд ноҳун кийдирилади. Хунарманд ва шогирдлари тиккан кашталарни зимдан кузатар экансиз, уларда Бухоронинг олис тарихига эга мезморий ёдгорликларидан гирт,

Маннон Тўхтаев, “Milliy tiklanish” муҳбири

Кўрик-танлов

Асакада аския байрами

...Алижон: Мулла Фанижон, яхшиям халқимизнинг аскияси бор экан, мана сизнинг ҳам тилингиз чиқиб қолди.

Фанижон: Алижон, мен аския қилаётганимда, лўқма солманг, ачимиз чиқиб сизга “қўшма гап”, деб юборсам хафа бўлманг.

Алижон: Жўрттага лўқма солдим-да, қарасам, гапнинг эгасини айтасиз, кесимига хайрон бўлиб турибсиз.

Фанижон: Адаштирамай туринг, яна номингизни олмоштириб, эргаш бўлақлари бу, деб ўтирмайин.

Алижон: Номимни алмаштирсангиз, алмаштираверинг. Сизга ўхшаган бирорта аниқловчи топи оларман.

Фанижон: Кейин мендан хурсанд бўлиб, ҳаммага айтиб юрасиз-а, номим аниқланмиш деб...

Алижон: Жуда содда гап қиласиз-да!

Фанижон: Бўлмаса сиз ёйиқ гапга кўнасиизми? Алижон: Келинг, бировнинг кўирма гапига мижоро қилиб ўтирмайлик. Яна сизнинг феълингиз бузилиб қолмасин...

Андижон вилояти Асака тумани маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Андижон вилояти ҳокимлиги ва вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида аскиячи ва миниатюра театрларининг мамлакат кўрик-танлово юртимизнинг турли худудларидан ташриф буюрган 18 жамоанинг ана шундай аския-ю пайровлари билан бошланди.

Дарҳақиқат, дунёда кулгини, самимий ҳазил-



ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Сувоён НАҲБИДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолуддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммадхон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁЕВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ” АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

аюра театри санъатини янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилояти вакиллари аскиянинг пай-



мутойибани севмайдиган халқ бўлмаса керак. Аския — халқимизнинг ўзига хос миллий санъат тури. Кўпчилик иштирокида, беллашув ва жонли тарзда ўтказиладиган бундай сўзамоллик ўйини бошқа халқларда учрамайди. У тўй-йиғинлар, чойхона ва сайиллар кўрки, чечанлик санъати.

Тарихий манбаларда айтилишича, аския XV-XVI асрларда пайдо бўлган. Унинг 50 дан зиёд тури бор. “Баҳру байт”, “Ўхшатиш”, “Қофия”, “Радиф”, “Тутал”, “Ўхшатдим”, “Афсона”, “Раббия”, “Сафсата”, “Айтишув”, “Чистон”, “Лақаб”, “Гулмисиз, райхонмисиз, жамбилмисиз?”, “Бўласизми?”, “Ширинкор” каби айтишувлар авлоддан авлодга ўтиб, сайқалланиб келмоқда. Айниқса, Марғилон, Кўқон, Андижон ва Наманган аскиячилик мактаблари машҳур. Қолаверса, аския санъатининг ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан ўрин олгани мазкур жанрнинг инсоният маънавий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутишини яққол намоён этади.

— Асрлар давомида халқ дилига жо бўлган, унинг истеъдодли вакиллари ижод маҳсули сифатида авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб, бойиб келаётган маданий меросимиздан бири — аския ўзбекона самимият, бадиий-эстетик дидни намоён қилувчи ёрқин кўзгудир, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази Андижон вилояти бўлими раҳбари Дилмуроджон Сатторов.

— Мазкур санъат тури даврлар ўтса-да ўзининг гўзал шакллари, содда ва теран мазмуни билан бизгача етиб келган халқ оғзаки бадиий ижодиётининг гўзал намунасидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2011 йил 23 февралдаги “Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари аския ва мини-

Хайтали НАБИЖОНОВ, Асака тумани ёш аскиячилар гуруҳи аъзоси:

— Аския санъатини қайта тиклаш, ривожлантириш, тарғиб қилишда мазкур кўрик-танлов муҳим аҳамиятга эга. Аския — мураккаб санъат. У нозик сўз ўйинига асосланади. Айтувчидан ҳам билим, ҳам зукколикни талаб этади. Аскиянинг бош мақсади, моҳияти сўз ўйини воситасида кулги ҳосил қилишдир. Чиқишларимиз барчага манзур бўлиб, юқори баҳо берилганлиги ва ёғлиб бўлганимиздан хурсандимиз. Ушбу ютуқ жамоамизни янада илҳомлантиради ва зиммамизга катта масъулият юклайди. Бундай тадбирлар, ўз навбатида, аския санъати ривожига, унинг янада кенг ёйилишига хизмат қилади.

Замира РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” муҳбири

